



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
26 октябрь
ЖУМА
№ 86
(12.514)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



ОХАНГАРОН ТУМАНИ

АКСАРИЯТИ МАВСУМГА ШАЙ

Аҳоли тураржойларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш давом этмоқда.

20 та ширкат ва уларга ёрдам бериш мақсадида тузилган 4 та сектор, шунингдек, "Охангаронцемент", "Охангароншифер" очик акциядорлик жамиятлари ҳимойлик ёрдами кўрсатапти.

Натижада мавжуд 157 та кўпқаватли уйнинг 152 та-сида 60 дан зиёди индустриал плита, 40 га яқини шифер ва 50 дан ортиги ошмоқ қопламалар билан ёпилди.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.

ОҚҚҮРҒОН ТУМАНИ

КОНСТИТУЦИЯМИЗ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Тумандаги 39-ўрта мактабда "Конституциямиз – бахтимиз пойдевори" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП марказий аппарати ходимлари, вилоят, туман партия кенгашлари раислари иштирок этдилар.

Иштирокчиларга ҳуқуқий демократик жамият қуришда қонун устуворлиги таъминланаётгани, Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатлари ва ҳуқуқий кафолатлари ҳақида маълумот берилди.

Давра суҳбати якунида фаол ўқитувчи ва талабалар "Адолат" СДП вилоят кенгашининг эсдалик соvgалари билан тақдирланди.

Шахло ЗУХРИДИНОВА.

ЎРТА ЧИРЧИК ТУМАНИ

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ ТИББИЙ ЁРДАМ

Қизил Ярим ой жамияти бўлими аъзолик бадаллари (марка) тарқатиш акцияларини ўтказмоқда.

Унда кўнгилчилар ва бошланғич ташкилотлар, корхона ва муассасалар фаол иштирок этишяпти. Тушган маблағлар ҳисобига тумандаги эҳтиёжманд оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва боқувчисини йўқотганларга озик-овқат махсулотлари ҳамда дори воситалари тарқатиш режалаштирилмоқда.

муш тарзини тарғиб қилиш, тери-таносил касалликлари, ОИТС, кашандалик, гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш бўлими ва "Махалла" жамоат фонди билан ҳамкорликда 17 та кишлоқда "Соғлом она – соғлом бола" шиори остида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ЙЎЛ АСФАЛЬТЛАНДИ

Қаҳрамон қишлоғини Тошкент халқа йўли билан боғловчи кўча реконструкция қилиниб, асфальт ётқизилди.

Далигузар қишлоғи ва Эшонгузар шаҳарчасидан ўтувчи бу кўча бўйлаб автобус бекатлари қурилиб, йўлақар текисланди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СТРАТЕГИК МУҲИМ ВАЗИФА

Миллий матбуот марказида "Республика оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ҳозирги "ахборот асри" да оммавий ахборот воситалари кишилар онги, дунёқараши, сиёсий савияси ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга ҳисса қўшаётган энг асосий ва таъсирчан воситалардан бири. Шу боис, республика ОАВларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги иштирокини кучайтириш, аҳамиятини ошириш каби масалалар жаҳондаги демократик давлатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам стратегик манфаатлари билан ҳамоҳанг бўлган муҳим вазифалари сирасига киради.

Анжуманда журналистларнинг саволларига жавоблар берилди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

2013 йил учун ОБУНА

бошланди.
«Тошкент ҳақиқати»

газетаси индекси – 205.

БУГУННИНГ ГАПИ



БУҒДОЙ МАЙСАСИ ЕРНИ ҚОПЛАДИ

"Ҳикоят" фермер хўжалиги аъзолари учун бу йил муваффақиятли кечмоқда. Улар давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартнома режаларини нафақат Бўка тумани, балки вилоятда биринчилар қатори бажардилар. Шунингдек, буғдой ҳосили ҳам салмоқли бўлди.

Шартномада белгиланганидан ташқари ўзларига ҳам 30 тонна буғдой қолди. Умуман, ҳозирги тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, хўжалик пахта ва галладан камиди 20 миллион сўм соф фойдага эга бўлади.

– Келгуси йил ҳосили

учин кузги галла экишни анча барвақт бошладик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Ақром Шарипов. – Биз "Таня" буғдой навини танлаганмиз. Унинг агротехникасини пухта эгаллаган аъзоларимиз парваришни оби-тобида олиб бориб,

ҳар йили бирдек юқори ҳосил етиштиромоқдалар. Бу йил ҳам 48,2 гектар майдонга шу буғдой нави уруғини сепадик. Бугунги кунда беистисно ҳамма майдонларда уруғлик тўлиқ ва текис униб чиқиб, буғдой майсаси ер бетини қоплади. Бу эса, эндиги йили ҳам баракали галла хирмони уюшимиз учун мустаҳкам заминдир.

СУРАТДА: (ўнгдан) фермер Ақром Шарипов ва ҳисобчи Пардабой Холбоев.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Чирчиқ шаҳар тиббиёт коллежида оммавий маданият таҳдидлари, унинг ноҳус оқибатларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ТАҲДИДГА ҚАРШИ ОҒОҲЛИК

Мавзуга доир видеороликлар намойиши, соҳа мутахассислари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда "Ораста кизлар" тўғраги аъзоларининг чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файёзова иштирок этди.

Саида РАҲМОНОВА.

УЗОҚ МУДДАТЛИ ХЎЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АСОСИДА

«Ўзэкспомарказ» навильонларида VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа давом этмоқда

Тадбирлар Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро, шунингдек, кичик бизнес ва йирик корхоналар ўртасида чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда.

Саноатчилар форуми рақобатбардош, экспортбой ва импорт ўрнини босадиган махсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтириши янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, шунингдек, кичик бизнес ва йирик корхоналар ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Ҳар кунги етакчи саноат тармоқлари, улар учун инновация лойиҳаларини ишлаб чиқадиган илмий инсти-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЯВИЙ ВА САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ АВСТРИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Яқинда Австрия Иқтисодий палатасида Ўзбекистон сармойавий ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Австриянинг ишбилармон доиралари ҳамда сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда унинг иштирокчилари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилини ўз ичига олувчи "Ўзбек модели"нинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, маъмур тамойиллар мустақиллик йиллари мобайнида ҳар томонлама асосли ва самарадор эканлигини намойиш қилганининг тафсилотлари билан атрафлича танишдилар.

Шунингдек, мамлакатимизнинг сармойавий салоҳияти, жумладан, "Навоий" эркин иқтисодий-индустриал ҳудуди ва "Ангрен" махсус индустриал ҳудудида хоржий шериклар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тақдими қатнашчиларнинг эътиборига ҳавола қилинди.

Австрия ишбилармон доиралари вакилларининг яқин фикр билдиришлари, истиқлол йиллари мобайнида Ўзбекистон жадал ривожланаётган мамлакатлар сифидан мустаҳкам жой олди.

Жумладан, "Wabca" компаниясининг Шарқий Европа мамлакатлари бўйича менежери Т.Вибсингер қайд этганидек, сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда энг замонавий ва рақобатбардош автомобилсозлик саноатини барпо этиш борасида катта ишлар амалга оширилди.

"Компаниясини автомобилсозлик соҳасидаги ўзбекистонлик шеригимиз "Сам-Авто" билан автомобиллар учун механика, электроника-механика ва электроника технологияларини етказиб бериш бўйича ҳамкорлик тажрибасига эгадир. Келгусида мамлакатимизнинг шу соҳада фаолият олиб борадиган бошқа ком-

паниялари билан ҳам ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш истагидамиз", деди у.

Ўз навбатида, "Voith Hydro GmbH" компаниясининг минтақавий менежери С.Марушек ҳозирги пайтда Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, янги кичик сув электр станцияларини қуриш ва мавжуд сув иншоотларини модернизациялаш масалаларига устувор аҳамият бераётганини қайд этди.

"Сув электр станциялари учун асосб-ускуналар етказиб бериш билан шуғулланадиган компаниямиз Ўзбекистондаги бу соҳага ихтисослашган компаниялар билан яқин алоқаларни ўрнатишдан манфаатдордир", деди С.Марушек.

"Leitner Powerways" компаниясининг экспорт бўйича менежери М.Ширян ўзи фаолият юритаётган корхона тоғли ҳудудларда дам олиш масканлари учун зарур бўлган юқори сифатли ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқариш бўйича етакчи компаниялардан бири эканлигини маълум қилар экан, "Leitner Powerways" Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатишдан, хусусан, мамлакатимиздаги тоғ-чанғи дам олиш масканларини модернизациялаш лойиҳаларида иштирок этишдан манфаатдор эканлигини айтди.

Австрияда бўлиб ўтган тақдими маросими маъмур мамлакатда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига ҳамда хоржий сармойадорлар учун яратилган қулай шарт-шароитларга нисбатан қизиқиб катта эканлигини яна бир бор намоён қилди.

"Жаҳон" АА. Вена.

МУКОФОТ МУБОРАКИ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 2012 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида биноан мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавқатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун бир гуруҳ хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Байбутаев Камолитдин Исроилович – Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлини бошлиғи

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Парпиев Дилшод Фахриддинович – вилоят Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғининг ўринбосари

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ ҲИСБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Дунёда Ватан, она меҳрилик энг олий туйғуни туйганлар фарзандлар камоли, ота-она саломатлиги, эл-юрт омонлиги йўлида умрини бахшида этишни саодат деб билади. Бу меҳр олий туйғуни туйганлар фарзандлар бўлишини, ёрғ олам неъматлари баромонлиги йўлида умрини бахшида

ОҚҚҮРҒОННИНГ ЖОНКУЯР АЁЛЛАРИ

Мамлакатимизда Аёлга бўлган ҳурмату эҳтиром, эъзозу ишонч мустақиллик йилларида, айниқса, ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Тақдиринга нафосат оламини яшнатиш, оналик, бекалик, садоқатли ёр бўлишдек олий мақом битилган аёллар мустақил диёримизда жамият тараққиётининг асосий кучи сифатида тан олинганлиги Юртбошимизнинг аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган қатор фармон қарорларидан ҳам маълум.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида "ги фармон ижросидан бошланган савий-ҳаракатлар аввало оналар ва болалар сало-

матлиги муҳофазасига қаратилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда аёлларнинг, оналарнинг ўрнига алоҳида ургу берилди. Ҳақиқатан ҳам жамият рағбатига муносиб хисса қўшаётган аёллар фаолияти доимий эътиборда. Яқинда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ҳисбот-сайлов конференцияси бу йўлда эришилган ютуқлар, келгусида қилинажак ишлар лойиҳаси муҳокамасига бағишланади.

Бу борада вилоятимиз хотин-қизларининг ҳам айтар сўзи бисёр. Биргина Оққўрғонда 96 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Унинг 52 фоизи аёллар. Туман хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси берган маълумот-

тутлар, шунингдек, истиқболли кичик корхоналарнинг ўнлаб марказлаштирилган тақдими маросимлари ўтказилмоқда. Улар орасида Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати" очик акциядорлик жамияти, "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамияти, "Ўзқурилишматериаллари"

акциядорлик компанияси, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, "Аргетат заводи" очик акциядорлик жамияти ва мамлакатимизнинг бошқа йирик саноат корхоналари ҳисобларини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳар бир вилоятининг тақдими ҳам бўлиб ўтмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МЕЗОН

Мустақиллик йилларида юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён том маънодаги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартига айланди. Шу муносабат билан давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги муҳим йўналиш бўлиб қолди.

Республика Президентининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида "...давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адиля органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатидиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмоқда", – деб таъкидланган эди. Бу вазифани изчил амалга ошириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари "Давлат органлари фаолиятида

қонунийликни таъминлаш соҳасида адиля органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Адиля вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларни қабул қилди. Қисқа фурсатда Адиля вазирлигида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бўш қарқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилди.

Бош бошқарманинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими биринчи кунлардан оқ Концепция ва тегишли қарорларда белгиланган муҳим вазифаларни изчил амалга ошириш учун зарур чора-тадбирларни белгилаб, давлат бош-

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 3-бетда).

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

Бог барпо этиш учун жон нисор этаётган фидойи инсонларнинг матонати туфайли мамлакатимизда этиштирилаётган меваю узумлар етти иқлимда хариддоргир. Бугун орамизда ер билан тиллашадиган, боғдорчиликнинг ҳадисини олган соҳибкорлар жуда кўп. Фермерлик ҳаракати уларга кенг йўл очиб бераётганини гуруҳ билан таъкидлаймиз.

Сойлиқлик фермер Тоҳиржон Рустамбоевни ҳамма яхши танийди. У ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати. У ерни севади, унинг ҳар бир қаричидан мўл ҳосил олиш устида бош қотиради. Фермерлик ҳаракати энди ривожланиб бораётган илк даврдаёқ у ўз олдига аниқ мақсад қўйди. 2006 йили илк маротаба 16 гектар майдонда иш бошлади. Касби иқтисодчи бўлганлиги учунми, у ҳўжаликнинг келажакдаги фаолиятини аниқ ҳисоб-китоб қила билди. Натижада фермер ҳўжалиги йил сайин ривожланиб борди.



МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ – МЕҲНАТ

Техника – фермернинг энг яқин кўмакчиси. Ҳўжалик раҳбари бу масалани жиддий ўйлаб кўришга қарор қилди. Аммо бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бор.

– Аслида осон иншинг ўзи йўқ, – дейди Тоҳиржон Рустамбоев. – Ҳар қандай муваффақиятнинг ҳам гарови меҳнатда. Буни бизнинг фермер ҳўжалигимиз микёсида олиб қарайлик. 16 гектар ерда иш бошладик. Бугунги кунга келиб еримиз 85 гектарга етди. Излаган имкон топади деганларни рост экан. мамлакатимизда қишлоқ мулкдорларига яратиб берилган имкониятлар

дан унумли фойдаланаёяман. Бугунги кунда "К-701", "Т-28", "Т-150" русумли гўлдирраки ва занжирли хайдов тракторларнинг эгасиман. Ерга ишлов беришда хеч кимдан кўмак кутмайман. Фалла, сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган бу ҳўжаликда ишлар режали ташкил қилинган. Шу сабабли бу йил давлатга 88 тонна галла топшириб, режа ошириб бажарилди. Бундан ташқари, ҳар йили "Чирчиқ гўшт-сут савдо", "Октош" кимёгарлар оромгоҳи, "Ғазалкент" соғломлаштириш маркази сингари ташкилотларга қишлоқ ҳўжалиги

маҳсулотларини етказиб бериш учун шартномалар тузилиб, ортиги билан бажарилмоқда. Фермер ҳўжалиги раҳбари интенсив боғлар яратиш ишларини бошлаб юборгани хақида тўлқинланиб сўзлайди: – Табиатиюмига мослаштирилган, Сербиядан келтирилган олхўри ва гилос кўчатларидан янги боғ барпо этдик. Улар икки йилнинг нари-берисиде ҳосилга қиради. Аҳоли истеъмоли учун Голландиядан келтирилган "Пикос" навли картошка уруғларини экишни режалаштирдик. – Шу йил Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик

касб-хунар коллежини таъминлаб, "Сойлиқ Азимжон Нодиржон" фермер ҳўжалигига ишга қабул қилиндим, – дейди Исомжон Омонов. – Иш шариоити яхши, ҳар кун бепул иссиқ овқат билан таъминланамиз. Маошим ҳам етарли, мамнунман. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ва уларнинг меҳнат қилишларига етарли шарт-шароитлар яратиш бериш фермернинг депутатлик бурчи. Бу йил ҳўжаликка Исомжон сингари тўрт нафар битирувчи ёшлар ишга қабул қилинди. Йўлингиз тушиб, Сойлиқ томонларга бориб қолсангиз, бу ҳўжалик боғларининг таърифиде келтиришадим. Айтганча, айна кунларда ишчилар сабзавот ҳосилини йиғиштириш билан бандлар. Орт равнақига ўзининг беиминат улушини қўшаётган ташаббускорлар муносиб тақдирланадилар. Тоҳиржон Рустамбоев раҳбарлик қилаётган "Сойлиқ Азимжон Нодиржон" фермер ҳўжалиги бу йил Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси томонидан "Намунавий фермер ҳўжалиги" деб топилди. Уйлаймики, бу эътибор уни янгидан-янги гоёларни ҳаётга таъбиқ қилишга рағбатлантиради.

Суннат МУСАМЕДОВ, Бўстонлик тумани.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

"Микрокредитбанк"нинг Тошкент вилояти бўлими жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 164 нафар ёш оилага уй-рўзгор буюмлари ва маънавий техникалар харид қилиш учун қарийб 864 миллион сўм миқдорда истеъмоладан кредит ажратди.

Шунингдек, мазкур банк томонидан шу йилнинг ўтган кўнги ойи мобайнида 119 та ёш оилага тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 1 миллиард 171 миллион сўмликдан ортиқ микрокредитлар берилди. Тижорат банкларининг вилоятдаги филиаллари эса 946 та ёш оиланинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга амалий ёрдам кўрсатди. Ёш оилалар мустаҳкамли-

ги уларнинг уй-жой билан таъминланишига ҳам кўп хижатдан боғлиқ. "Ипотекабанк"нинг Тошкент вилояти филиали ўтган кўнги ойи давомида ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун 1 миллиард 110 миллион сўм ажратгани бунинг яққол далилидир. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури, Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маъ-

навий кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида республикамиздаги кўллаб оилалар турар-жой хариди учун бериладиган имтиёзли ипотека кредитларидан баҳраманд бўлишди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда кўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир. Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".

ЖАМИЯТ ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг асосий мақсади инсонлар соғлигини сақлаш, фавкулда вазиятларда ҳимоя қилиш ва кундалик ҳаётда хушёрликка ўргатишдир. Шу йўналишда жамиятининг вилоят бўлими қатор амалий ишлар қилмоқда.

2012 йилда Ангрэн шаҳрида "Биринчи ёрдам"га ўқитиш маркази ташкил этилди ва 6 миллион сўмлик зарур жиҳозлар билан таъминланди. Вилоят миқёсида корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида дастур бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларини эгаллаганларга махсус сертификат берилди. 2013 йилда Паркент тумани ва Олмалик шаҳарларида ҳам 2 та шундай ўқув марказлари очиб режалаштирилган.

да тингловчиларга ёнгин холатларида, тоқисқ моддалар ва газ билан захарланганга қарши ҳамда бошқа фавкулда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўргатишмоқда. Курсни тамомлаган тингловчилар оддий клиник белгилари асосида бемор ёки жабранувчининг умумий аҳолини баҳолаш, юрак қон-томир, нафас олиш тизими ҳолати, клиник ўлимни аниқлаш, оғиздан-оғизга, шунингдек, ҳаво ўтказгич орқали сунъий нафас бериш, юракнинг оғма массажини бажариш каби кўллаб биринчи ёрдам кўникмаларини эгаллайдилар.

– Қизил Ярим ой жамияти амалга ошираётган "Биринчи ёрдам" ўқув дастуридан кўзланган асосий мақсад ҳодиса рўй берган жойда жароҳатланганлар аҳолини тез аниқлашдан иборат, – дейди жамиятининг вилоят ташкилоти раиси Нигора Рустамова. – Ўқув курсларида малака оширганлар фавкулда вазиятларда хеч иккиланмай, билимларини кўллаб оладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида Фавкулда вазиятлар ва уларнинг олдини олиш, беҳато ҳаракат қилиш давлат тизими фаолият самардорлигини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлими биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларини уюшмаган аҳолига, таълим муассасалари ўқувчиларига ҳам ўргатмоқда. Барча корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Хар бир корхона раҳбари ҳодимлар учун биринчи ёрдам кўрсатиш ўқув курсларини ташкил қилиб, жамият билан ҳамкорликни йўлга қўйса, мақсадга мувофиқ бўлади. Айна пайтда жойлардаги ўқув курслари

Раваҳон РУСТАМОВ.

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида "Энг намунали Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Баситханова сўз олиб, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти тизимини мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар олдига турган муҳим вазифалар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, уларнинг жадал ва ҳаққоний, фидокорона меҳнатига суяниш лозимлиги борасида атрафлича тўхтади.

Тадбирда мамлакатимиздаги аёллар ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган хотин-қизлар кўмитатини тизимининг ҳисобот-сўлов конференциялари жараёнида фаол иштирок этувчи кўмитанинг куйи тизими бўлган, жамоатчилик асосида фаолият юритадиган бошланғич ташкилотлар асосий таянч бўлиши таъкидланди.

Танловнинг Республика босқичига вилоят ва ҳудудлардан сараланган, 6 та номинация бўйича 1-ўринни эгаллаган жами 84 нафар номзодлар иштирок этди. Республика босқичи голиблари 8 декабр – Конституция кўни арафасида эълон қилинади ва тақдирланади. Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".

Сайёра ШОЕВА, ЎА муҳбири.

УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲЎЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АСОСИДА

– Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, маҳсулотларимизни етказиб бериш, ўзимизда ишлаб чиқарилган зарур ускуналарни харид қилиш имконини бермоқда, – дейди Навоий конметаллургия комбинатининг ишлаб чиқариш-техник ва инновация бўлими бошлиғи Шавкат Мадаминов. – Масалан, Навоий машинасозлик заводи негизда 11,7 минг номдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Қайта ишлаш фабрикалари учун турли дастгоҳлар, кон-шахта ускуналари, эҳтиёт қисмлар, технологик ускуналар шулар жумласидандир. Умуман, 2011 йилда заводда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича қиймати 76,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, жорий йилда бу кўрсаткич 90 миллиард сўмдан ошди.

Олмалик кон-металлургия комбинатининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлиги ҳам эътиборга сазовор. Бу йил комбинатда қўшимча шартномалар тузиш, фаолият қўламини кенгайтириш ва маҳаллийлаштирилаётган ускуналарни етказиб беришни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимиз саноат салоҳиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаятган ҳудудларнинг тақдимот маросимлари ҳам бу ерга таширф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг сабаби шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор талабларига ўз вақтида мослашмоқда ҳамда талаб этилган сифат ва миқдордаги турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларидан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун улар маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда асосий ўрин тутуши лозим.

Тошкент вилояти ҳудудида 99 йирки ва 3402 кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурида вилоятдаги йиғирмадан ортиқ корхона иштирок этаётир. Хар йили тузилаётган шартномалар ҳажми ўртача 1,25 баробар кўпаймоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа қайта ишланган хом ашё, материаллар, бўлтовчи буюмлар ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш, тармоқ ва тармоқлараро кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда узоқ мудатли ҳўжалик муносабатларини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, уларда тузилган шартномалар вилоят саноати учун мўлжалланган мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган самарали технологиялар, материаллар, асбоб-ускуналарни мазкур ҳудуд бозорига чиқариш имконини бермоқда.

Вилоят корхоналари томонидан (Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, инвестициялар жалб этиш, турли маҳсулот ва хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхоналар ташкиллаштириш борасида тизимли дастурлар ишлаб чиқибли, амалиётга таъбиқ этилмоқда. Буни Бўстонлик туманидаги "Ғазалкент ойна" Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг турли давлатларидан юзлаб хорижий компания ва фирмалар вакиллари иштирок этмоқда. Ўзбекистон компаниялари хорижий шериклар билан бевосита амалий музокаралар ўтказмоқда, улар билан тижорат алоқаларини ўрнатмоқда.

Бундай йирки халқаро саноат форумида иштирок этаётганидан мамнунман, – дейди Украинанинг "Агронафтохим" компанияси раҳбари Борис Коробко. – Қайд этиш жоизки, мазкур тадбир Ўзбекистон иқтисодиёти фаол ва жадал ривожланиб бораётганидан ёрқин далолат беради. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада яратилган шарт-шароитлар ва тақдим этилган имкониятлар туфайли мамлакатингиз бозориде шериклар топиш, жумладан, "Махсус полимер" заводи билан шартнома тузиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларни харид қилиш имконига эга бўлдик.

Бугун Ўзбекистон жадал ривожланаётган давлатлардан биридир, – дейди "Sam Woo T&C, Ltd" консалтинг компанияси директори Кенгук Нох (Жанубий Корея). – Шунинг учун Жанубий Корея тадбиркорлари мамлакатингиз ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа бизга мамлакатингиз ишлаб чиқарувчилари билан яқиндан танишиш, Ўзбекистон бозоридеги талаб ва тақлифни ўрганиш имконини бермоқда. Натижада мамлакатимиз ишбилармонларига тақдим этиш учун Ўзбекистон ҳақидаги хосис ахборотга эга бўлдик.

Форум ишчанлик руҳида ўтмоқда, ишлаб чиқариш корхоналарининг секторлар бўйича пухта ўйланган тизим асосида жойлаштирилгани, павильонларда эълон қилинган маълумотлар тадбирлар иштирокчилари ҳамда меҳмонларига ўзларини қизиқтирган объектлар, расмий вакиллари тоз ишлаб топиш имконини бермоқда. Ярмарканинг дастлабки иш кунинда 700 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотларни харид қилиш, шунингдек, қиймати 500 миллион доллардан ортиқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди. Иштирокчилар ва бу ерга таширф буюрганлар сон эътиборга олинандан булбос, бу рақамлар кундан кунга янада кўпайиши шубҳасиз.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, инвестициялар жалб этиш, турли маҳсулот ва хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхоналар ташкиллаштириш борасида тизимли дастурлар ишлаб чиқибли, амалиётга таъбиқ этилмоқда. Буни Бўстонлик туманидаги "Ғазалкент ойна" Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

2012 ЙИЛ – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган семинарда мазкур вазифага юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар хусусида сўз борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиати муҳофизат қилиш давлат кўмитаси, "Ўзқоммуниҳизмат" агентлиги, "Сувсоз"

трести мутахассислари, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туман марказлари, шаҳар типидеги посёлкалар, аксарият қишлоқлар марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланган. Соҳага янги технологияларнинг жорий қилинаётгани ичимлик суви идёлоланишининг олдини олиш ва уларни муҳофизат қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. – Корхонамиз таркибиде

ичимлик сувини тозалайди, гана етти иншоот мавжуд, – дейди "Сувсоз" трести бош муҳандиси Д.Қазиев. – Уларнинг умумий қуввати кунига қарийб 2 миллион куб метр сувини ташкил қилади. Ичимлик сувининг сифати махсус лабораторияларда таҳлил қилинади. Бу аҳолини сифатли оби ҳаёт билан таъминлаш, сув иншоотларининг барқарор ишлашида муҳим омил бўлмоқда. Чўчүк сувлардан барқарор фойдаланишда замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш, сувини муҳофизат қилишга инновацион ёндашиш ва истеъмолчиларнинг экологик маданиятини юксалтириш ҳам муҳим ўрин

тутади. Ўзбекистон Экологик ҳаракати соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда амалга ошираётган тартибда ишлари сувдан фойдаланувчиларнинг бу борадаги масъулиятини ва билимини оширишга ҳизмат қилимоқда. Тадбирда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сувдан фойдаланган манбаларини муҳофизат қилиш, техник ва гидроэкологик инновацияларни жорий этиш, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, аҳоли ўртасида сувга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш масалалари муҳофизат этилди. Сайёра ШОЕВА, ЎА муҳбири.

